

ЯНГИЙЎЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Янгийўллик пахтакорлар ушлабинскиликлар чақиригига қўшилиб, меҳнатда янги марраларни

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТ-
ЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-НИЛ ЧИҚИШИ

№ 31 (2322).

13

ФЕВРАЛЬ
ЧОРШАНБА
1963 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИЯНН

эгалламоқдалар. Бошқарманинг колхоз ва совхозлари 1963 йилда бутун экин майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнердан пахта олиб, ялпи ҳосилни 72 минг тоннага етказиш, сўйилган вазнда 1.600 тонна гўшт, 12,3 минг тонна сут, 1,6 миллион дона тухум, 205 тонна жун олиш учун курашмоқдалар.

✽

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми пўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

12 февралда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленумида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг «Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда қуйдагилар сўзга чиқдилар: Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. РАҲИМОВ, Гиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулiston» колхозининг раиси ўртоқ С. ҲАМИДОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри ўртоқ Х. ЭРҒАШЕВ, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи ўртоқ А. Г. МЕДВЕДЕВ, Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номи колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Т. ҲАТАМОВ, «Главголдностепстрой» бошлиғи ўртоқ Д. К. ТЕРСИТСКИЙ, Москва ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. М. АРЗУМАНОВ, Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ М. УМБЕТОВ, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри ўртоқ В. А. БИЛБАС, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ П. О. ЧЕККИН, Ўзбекистон касабаси союзуларининг раиси ўртоқ С. Н. НУРИДИНОВ, Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи ўртоқ Г. Д. ЖИДОВЦЕВ, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг раиси ўртоқ М. Г. ХВАН.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Мар-

казий Комитети қишлоқ хўжалик Бюросининг раиси ўртоқ В. И. ПОЛЯКОВ нутқ сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ яқунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетига, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумига, Министрлар Советига ва барча меҳнаткашларига табрик хати юбориб, Жанубий Қозоғистон ўлкаси ерларининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига топширишдан иборат олиҳимматлик учун ташаккур билдирди. Бу олиҳимматлик қардош совет халқлари ленинча дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида янги қадам бўлди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўртоқ И. П. БУРМИСТРОВ бошқа ишга ўтганлиги ва республикадан бошқа ёққа жўнаб кетганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноят ва қурилишга раҳбарлик бюроси аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноят бўйича партия органлари бўлимининг мудирини ўртоқ Г. М. ОРЛОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноят ва қурилишга раҳбарлик бюросининг аъзоси қилиб тасдиқланди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контрол комитетини қуйидаги составда тасдиқлади: Комитет раиси ўртоқ М. М. МУСАХО-

НОВ, Комитет раисининг ўринбосарлари — И. Р. АРНАУТОВ, М. ТУРСУНОВ ўртоқлар, комитет аъзолари: «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори ўртоқ З. И. ЕСЕНБОВ, Комитетнинг оғир саноят, химия санояти, машинасозлик, транспорт ва алоқа бўлимининг мудирини ўртоқ К. Н. ЗОЛОТАРЕВ, «Правда Востока» газетасининг редактори ўртоқ А. Д. ИВАХНЕНКО, Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Б. А. КРАСНИКОВ, «Таштекстиль-маш» заводининг мастери ўртоқ Н. С. КУЛИЧЕНКО, Комитетнинг ташкилот бўлими мудирини ўртоқ С. РАШИДОВ, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги К. Маркс номи колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи И. ХУЖАЕВА, Ўзбекистон касабаси союзуларининг секретари ўртоқ М. И. ИҲЛДОШЕВА.

Пленум социалистик қонуничиликни қўпол равишда бузганлиги, ахлоқий жиҳатдан бузилганлиги, халқ мулкисини ўғирлаганлиги учун Қорақўл районидagi «Октябрь» колхозининг собиқ раиси С. ҚУРБОНОВНИ КПСС сафидан ўчириш ҳақидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг қарорини тасдиқлади, уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари составидан чиқарди.

Хизмат лавозимини сунистеъмом қилганлиги, порахўрлик учун КПСС сафидан ўчирилган Марғилон шаҳар партия комитетининг собиқ секретари С. КОЗИМОВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари составидан чиқарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми ўзинини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЯНГИЙЎЛ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ
ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Тошкент область Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг илҳозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларидаги колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини кичаги назмуллаб, ҳар бир хўжалигининг ўтган йилдаги ишига яқун ясаб ҳамда ўз имкониятларини ҳисоблаб чиниб, пахта, гўшт, сут, тухум, жун, сабазот, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш юзасидан 1963 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари бу йил пахта ҳосилдорлигини ошириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашишга аҳд қилдилар. Бошқарманинг колхоз ва совхозлари 1963 йилда бутун экин майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнер пахта олиб, 72 минг тонна, яъни ўтган йили олинганга нисбатан 6,4 минг тонна кўп пахта етиштиришни мўндаллаб кўйдилар.

Янгийўлликлар комплекс механизацияни жорий қилишни, чигитни яқунлатиб олишни, иборат тежамли прогрессив усулдан кенг фойдаланишни ва машинада пахта теришни пахтадан мўл ҳосил етиштиришни ва пахта таннархисини намайитиришни энг муҳим шарт, деб ҳисобламолдилар.

Пахтачиликни илҳоз суратда юксалтириш билан бир қаторда гўшт ва сут етиштиришни ҳам анча кўпайтириш ҳақида ўртоқ Н. С. Хрушчев қўйган вазифани муваффақият билан амалга ошириш мақсадида бошқарманинг илҳозчилари ва совхоз ишчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришиш мажбуриятини олдилар. Чорвачиликни ет-хашан билан таъминлаш вазифасини тез ҳал қилиш имкониятини берувчи асосий экинлар сифатида манжажўри, нўхат, нард лавлаги экинсини кўпайтиришга ҳамда ана шу экинларнинг ҳосилдорлигини анча оширишга қарор қилинди.

Янгийўлликлар мусобақанинг муваффақиятли бўлиши надрларнинг малакасига, уларнинг маҳоратига, ғайратига ва қатъийлигига боғлиқ эканлигини эсда тутиб, меҳнаткорлар тайёрлаш, ишчиларга илҳоз иш усулларини ўргатиш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети пахта, гўшт, сут, тухум, жун, сабазот, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш юзасидан 1963 йил учун оширилган мажбурият қабул қилган Ўзбекистон ССР Тошкент область Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси илҳозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ташаббусини маънуллади.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон КП Марказий Комитетига, Тошкент КП Марказий Комитетига, Туркистон КП Марказий Комитетига, Озарбайжон КП Марказий Комитетига, Қозоғистон КП Марказий Комитетига, Қирғизистон КП Марказий Комитетига, Арманистон КП Марказий Комитетига, пахтакор обласлардаги ишлаб чиқариш бошқармаларига, партия, касабаси союзу ва номсиз ташкилотларига Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси илҳозчилари, совхоз ишчилари, мутахассисларининг хатини илҳозчилар ва совхоз ишчиларининг йилги ишларида кенг муҳокама қилишни ҳамда 1963 йилда пахта, гўшт, сут, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишни тавсия этди.

КПСС Марказий Комитети «Правда», «Известия», «Сельская жизнь» газеталарининг редакцияларига, шунингден пахтакор республикалардаги республика ва область газеталарига ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг газеталарига колхозлар, совхозлар, бригадалар, бўлимлар ва фермалар социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритиб туриш вазифасини юкледи.

КПСС Марказий Комитети аминдирини, меҳнаткаш пахтакорлар меҳнатда наҳрамонлик кўрсатиб, колхоз ва совхозлардаги мавжуд ҳамма резервларни ишга соладилар ҳамда 1963 йилда пахтадан мўл ҳосил олишга эришадилар, гўшт, сут, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирадилар.

(Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг социалистик мажбурият газетанинг 2-бетига босилди).

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта етиштириш юзасидан ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади*)

ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ КўПАЙТИРИШДА МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўзининг иқтисодий сиёсатида улуғ Лениннинг жамият ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга қатъий риоя қилиш ва бу принципни мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига доимо оғишмай амал қилиб келмоқдалар.

В. И. Ленин таълим бериб айтган эдики, иқтисодий вазифаларни амалга оширишда «бевосита энтузиазмга эмас, балки улуғ революция вужудга келтирган энтузиазм ёрдами билан шахсий манфаатга, шахсий манфаатдорликка, хўжалик ҳисобига» асосланиб иш олиб бориш керак.

Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз пахта далалари меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Пахтачиликни ривожлантириш учун тобора кўпроқ миқдорда капитал маблағлар акратилмоқда. Пахтакор хўжаликлар тобора кўп техника, минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар олмақдалар. Пахта, шунингден гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларини харид қи-

лиш ва топшириш нархлари оширилди. Колхозларга сотиладиган қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар ёнлиги бионокорлик материаллари ва бошқа оғарларнинг нархлари камайтирилди. Колхозларга берилган аванслар ва озоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли кредитларнинг миқдори кўпайди.

Бу тадбирлар ва бошқа тадбирлар колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашни, колхоз бойликларининг орттишини, колхозчилар моддий фаровонлигини оширилишини таъминлади. Республикдаги колхозлар етти йилнинг тўрт йили мобайнида, дастлабки маълумотларга қараганда, бўлимас фондларга қарийб тўққиз юз миллион сўм маблағ акратилди. Колхоз тузумининг моддий негизини ташкил этган асосий восталарнинг қиммати шу давр ичда бир ярим баравардан зиёд ортди.

Ердан, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан тўғри фойдаланилаётган, комплекс механизация кенг жорий қилинаётган колхоз ва совхозларда маҳсулот етиштириш тўғрисида орттибор моқда, меҳнат умумдорлиги ўс-моқда. Бу эса жамоат бойликларини кўпайтиришга ва колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг

моддий фаровонлигини оширишга олиб боради, албатта. Мисол учун Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозини (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсунбой Латипов) олиб кўрайлик.

Колхоз пахта майдонларини 1958 йилдаги нисбатан анча кенгайтди. Ҳозирги пайтда пахта майдонлари сугориладиган ерларнинг 73 процентидан кўпроғини ташкил этади. Экин майдонини 2.500 гектарга етказилди, ялпи пахта ҳосили эса шу давр ичда 1.836 тонна ёки 27 процент кўпайди. Ўтган йили пахтачилик ҳисобига 9,6 тонна пахта етиштирилди.

«Коммунизм» колхозини таъининг қадрига етдилар. Колхоз аъзолари ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмининг энг кўп самара бериши учун қўнғ билан ва астойдил ҳаракат қилмоқдалар ва бунга эришмоқдалар.

Колхозда ишлаб чиқариш бригадалари йириклаштирилди, маъмурий-бошқарув аппарати гўяг қисқартирилди. Ўтган йили ишга ҳеч қандай зарар етказилмагани ҳолда 26 штат қисқартирилди, шу муносабат билан бўшаб қолган кишилар ишлаб чиқаришга юб-

рилди. Эндиликда маъмурий-бошқарув харажатлари ҳамма чигитларнинг 3,4 процентини ташкил этади. Бу эса бошқа колхозлардаги нисбатан бир неча баравар камдир.

Бўларнинг ҳаммаси маҳсулот берилишига меҳнат ва маблағлар сарфини анча камайитиришни таъминлади. Ўтган йили «Коммунизм» колхозини бир центнер пахта етиштириш учун 2,5 ш ш кўп сарфланди, бир центнер пахтанинг таннархи эса, дастлабки маълумотларга қараганда, 15,1 сўмини ташкил этди. Пахта етиштириш учун сарфланган ҳар бир сўм эвазига 2 сўм 9 тиани олинди, «Коммунизм» колхозини пахта етиштиришнинг шундай юксак даражада рентабелли бўлиши колхознинг жамоат хўжалигини муваффақиятли ривожлантириши ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириши учун имконият яратиб беради.

1962 йил якунидаги юзасидан колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 1 миллион 428 минг сўмини ташкил этган. Колхозчиларга қўшимча ҳақ тарқасида 294 минг сўм тўланган. Бу, тўланадиган ҳақнинг умумий фонднинг 17 процентини ташкил этади.

Бу колхоз хўжалигини тўғри бошқариш, колхознинг ички имкониятларидан гўяг самарали фойдаланиш, иқтисомий манфаатларини колхоз аъзоларининг шахсий манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб боришининг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.

Бу колхознинг ва бошқа илҳоз хўжаликларининг таърибига мисол

пакта ўрганиш ва кенг ёйиш керак.

Республикада колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг мушталам ва самарали системаси ишлаб чиқилди ҳамда тавсия этилди.

Афсуски, биз ишлаб чиқаришни юксалтиришни ана шу восталарини барча колхоз ва совхозларда ишга солишга ҳақи эришиганимизча йўқ.

Кўп хўжаликлар катта даромад олганлари ҳолда, бу даромадлардан оқилона фойдаланмаётдилар. Масалан, Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозинида ўтган йили 975 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,3 центнердан пахта етиштирилди. Бир миллион сўмга яқин даромад олинди. Ана шу даромад тўғри тақсимланиб, хўжалик мақсада мувофиқ бошқарилганида эди, иқтисомий аҳтиёжларини таъминлаиб қолмасдан, колхозчиларга кўпроқ меҳнат ҳақи тўлаш имконияти ҳам тўғилган бўлу эди. Аммо бу колхозда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчилик ва йўқсавлар тўғрисида ишлаб чиқариш харажатларини қоллаш учун жуда кўп маблағ сарф қилинди. Колхозда маъмурий-бошқарув аппарати жуда кенгайтириб юборилган, бу ашарат ҳолимларига ортинча ҳақ тўлаш йўл қўйилмоқда.

Ўртоқлар, моддий манфаатдорлик принципининг ҳар қандай йўлда билан бузилгани иқтисомий ишлаб чиқаришга зарар етказишини тўшунуб олиш пайти келган.

(Охир иккинчи бетда)

ЛАОСЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКISTON БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

ДўСТОНА ВИЗИТ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Лаос ҳукумат делегациясининг бошлиғи Лаос короли Шри Саванг Ватхана 12 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Насриддинова ва республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ҳузурини бўлди. Король билан бирга Лаос коалицион ҳукуматининг бош министри, мия-

лий мулофаа, уруш ветеранлари ва иқтисомий ишлар министри шаҳзода Суванна Фума, королнинг ўғли, шаҳзода Сурна Саванг, таъши ишлар министри Киним Фолсена, Лаос элчиси Кампан Панья, информация, пропаганда ва туризм министри Фуми Вонганит, жамоат ишлари ва транспорт министри Нгон Сананион, таъши ишлар министрининг протокол директори Буйдай Суваннонг ва бошқа расмий шахслар келдилар.

СўРАТДА: лаослик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Фаилар академиясининг Шарқшунослик институтида.

В. Кожевников ва Р. Шамсидинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

(Давоми тўртинчи бетда)



